



ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

PhD Тўрабеков Соҳибжон Шербой ўғли
Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти
ORCID:0000-0003-3374-9950
sokhibjon.turabekov@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти, унинг ЯИМдаги улуши ва меҳнат бозорига таъсирни атрофлича таҳлил қилинган. Хизматлар соҳаси орқали янги иш ўринлари яратиш, гендер ва ёшлар инклюзивлиги, рақамли хизматлар сингари стратегик йўналишлар ёритилган. Таъдиқотда иқтисодий фаолият турлари бўйича бандликнинг маркибий ўзгариши, соҳа тармоқларидаги ривожланиши динамикаси, меҳнат унумдорлиги, норасмий бандлик, инфратузилма ва кадрлар тайёрлаш тизимига оид муаммолар ҳам кўриб чиқилган. Илфор халқаро тажриба таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда хизматлар соҳаси орқали аҳоли бандлигини самарали ошириш бўйича таклифлар берилган.

Калим сўзлар: хизматлар соҳаси, бандлик, меҳнат бозори, ЯИМ, рақамли иқтисодиёт, инфратузилма, норасмий иш ўринлари, гендер тенглиги, кадрлар салоҳияти.

ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ ЗА СЧЁТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ

PhD Турабеков Соҳибжон Шербой угли
Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассматривается значение сферы услуг в экономике Узбекистана, её доля в ВВП и влияние на рынок труда. Проанализированы направления создания новых рабочих мест, цифровизация, гендерная и молодёжная инклюзивность. Исследование включает структуру занятости по видам экономической деятельности, динамику развития секторов, уровень производительности труда, неформальную занятость и вопросы подготовки кадров. На основе международного опыта предложены эффективные механизмы повышения занятости населения через развитие сферы услуг.

Ключевые слова: сфера услуг, занятость, рынок труда, ВВП, цифровая экономика, инфраструктура, неформальная занятость, гендерное равенство, трудовой потенциал.

POTENTIAL FOR ENHANCING EMPLOYMENT THROUGH THE DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR IN UZBEKISTAN

*PhD Turabekov Sokhibjon Sherboy ugli
Samakand institute of economics and service*

Abstract. This article analyzes the strategic importance of the service sector in Uzbekistan's economy, focusing on its share in GDP and impact on the labor market. It explores avenues for job creation through services, emphasizing digitalization, gender and youth inclusivity. The study covers structural shifts in employment across sectors, development dynamics, labor productivity, informal employment, infrastructure, and workforce training. Drawing on international experience, the paper proposes effective mechanisms for enhancing employment through the service sector.

Keywords: service sector, employment, labor market, GDP, digital economy, infrastructure, informal jobs, gender equality, human capital.

Кириш.

Сўнгги йилларда хизматлар соҳаси иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда стратегик аҳамият касб этаётган асосий соҳалардан бири сифатида намоён бўймоқда. Айниқса, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг шаклланишида, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда, ички бозор талабларини қондиришда ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда хизматлар соҳаси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон банки (2019), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)², Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) (2023) каби халқаро ташкилотлар ўз ҳисоботларида хизматлар соҳасини XXI аср иқтисодиётида аҳоли бандлигини таъминлашдаги асосий драйверлардан бири сифатида таърифламоқда. Жаҳон миқёсида хизматлар соҳаси иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айлангани сингари, унинг аҳоли бандлигига таъсири ҳам катта илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Халқаро ташкилотлар ҳисоботларида қайд этилганидек, хизматлар сектори нафақат макроиқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатади, балки меҳнат бозорида янги иш ўринлари яратиш ва ишсизликни камайтиришда ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади.

Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам сўнгги йилларда хизматлар соҳасининг улуши сезиларли даражада ортмоқда. 2023 йил якуни бўйича ЯИМдаги хизматлар улуши 37,8%ни, банд аҳоли сонидаги улуши эса 47%ни ташкил этгани, ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги етакчи тармоқлардан бирига айланганини тасдиқлайди. Аммо соҳанинг ривожланишида ҳанузгача таркибий муаммолар, худудлар бўйича номутаносибликлар, кадрлар тайёрлаш тизимидағи узилишлар ва яратилаётган иш ўринларининг сифат жиҳатидан пастлиги каби бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Хизматлар соҳаси, унинг моҳияти, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрни ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири каби масалалар иқтисодчи олимлар томонидан кенг кўламда ўрганиб келинмоқда. Ушбу соҳанинг ривожланишидаги муаммолар, уларнинг сабаблари ва ҳал этиш механизмлари А.Смит, Ж.Б.Сей, А.Маршалл, Й.Шумпетер, Ж.М.Кейнс каби хорижий олимлар ҳамда М.М.Хайкин, Е.А.Разомасова, И.А.Киселева, С.О.Искаджян, И.В.Михалёв, А.В.Полянин, В.А.Плотников, М.Г.Иваненко, З.И.Беликина, Д.С.Квасова каби мутахассислар томонидан ҳар томонлама

² <https://www.ilo.org/global/research/global-reports/weso/2023/lang--en/index.htm>

таҳлил қилинган. Шу билан бирга, хизматлар соҳасининг аҳоли бандлигини оширишдаги ўрни бўйича илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш ва амалиётга самарали механизmlарни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли тобора ортиб бораётганилиги ва иқтисодиётнинг етакчи секторига айланганлиги сабабли, унинг кенг имкониятларидан мамлакатнинг равнақи йўлида фойдаланиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўллари маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Маслаан, ушбу муаммоларни ўрганишга Ўзбекистонлик олимлардан Пўлатов (2019), М.М.Муҳаммедов, М.Т.Алимова, О.М.Пардаев, Б.Ш.Сафаров, Қувандиков (2021), Ш.Ҳ.Сатторов ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишлиланган.

Тадқиқот методологияси.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш имкониятларини аниқлашда комплекс тадқиқот ёндашуви қўлланилди. Мазкур тадқиқотда 2020–2024 йилларга оид расмий статистик маълумотлар асосида иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Ушбу жараёнда хизматлар соҳасидаги иш билан таъминлаш даражаси, соҳа турлари бўйича бандлик тақсимоти ва худудий ривожланиш тенденциялари ўрганилди. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, сегментлаш ва гуруҳлаш, мантиқий фикрлаш ва илмий абстракция, индукция ва дедукция, сценарий таҳлили методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги глобал иқтисодий шароитда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи барча давлатлар учун устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, хизматлар соҳаси сўнгги йилларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида стратегик тармоқ сифатида шаклланиб, меҳнат бозоридаги муаммоларни ҳал этишда муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани бажармоқда. Хизматлар соҳаси нафақат иш ўринлари яратиш, балки инсон капиталининг самарали фаолият юритиши учун шарт-шароит яратиш, рақобатбардош иқтисодиёт барпо этиш ва фуқаролар турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан, хизматлар соҳасини таркибий жиҳатдан таҳлил қилиш, соҳадаги иш ўринларининг хилма-хиллиги, худудий фарқлар ва ижтимоий гуруҳлар кесимидағи таъсирини ўрганиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари белгилаб олиниши зарур. Бундан ташқари, хизматлар соҳасининг ривожланиши кўп ҳолларда саноат ёки қишлоқ хўжалигига қараганда камроқ сармоя талаб қилиши, аммо нисбатан кўпроқ иш ўринлари яратиш имконини бериши билан ажralиб туради. Бу эса ривожланаётган мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон каби иқтисодиёти трансформация жараёнида бўлган давлатлар учун алоҳида аҳамият касб этади.

Танқидий нуқтаи назардан қаралганда, хизматлар соҳасининг бандликда тутган ўрни юқори бўлишига қарамай, ушбу иш ўринларининг кўп қисми юқори малакани талаб этмайдиган, нисбатан паст даромадли ва мавсумий бўлиб, меҳнат унумдорлиги жиҳатидан саноат ёки юқори технологияли тармоқларга нисбатан пастроқ даражада қолмоқда. Демак, фақат иш ўринлари сонининг кўпайиши эмас, балки уларнинг сифати ҳам бандлик сиёсатининг устувор йўналиши бўлиши лозим. Шу сабабли, хизматлар соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш, касбий малака ва қайта тайёрлаш дастурларини кенгайтириш зарур.

Таҳлил натижаларига кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг миллий иқтисодиётдаги улуши изчил ошиб бораётгани қайд этилди. Хусусан, 2020 йилда ЯИМда хизматлар улуши 41,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 47,4 фоизга етди. Бу эса 4 йил давомида 5,8 фоизлик ўсишни кўрсатади ва бу хизматлар сектори миллий иқтисодиётда стратегик ривожланиш драйверига айланиб

бораётганидан далолат беради. Мазкур тенденция аҳоли бандлиги структурасида ҳам ўз аксини топмоқда. 2020 йилда банд аҳолида хизматлар соҳасининг улуши 43,5 фоиз бўлган бўлса, 2024 йилга келиб 47,2 фоизгача ўсган (1-жадвал).

1-жадвал

2020-2024 йилларда Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши, банд аҳолидаги ҳиссаси ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми динамикаси

Йиллар	ЯИМда хизматлар улуши (%)	Банд аҳоли сонида хизматларнинг улуши (%)	Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми, минг сўм
2020	41,6	43,5	6 423,1
2021	41,8	44,7	8 145,1
2022	44,2	46,3	10 292,0
2023	46,2	47,0	17 845,7
2024	47,4	47,2	22 017,6

Ушбу кўрсаткичлар хизматлар соҳасининг нафақат янги иш ўринлари яратиши, балки меҳнат бозорида гендер ва ёшлар инклузивлигини таъминлашдаги аҳамиятини тасдиқлайди. Айниқса аҳоли жон бошига хизматлар ҳажмида кузатилаётган ўсиш алоҳида эътиборга лойиқ. 2020 йилда ушбу кўрсаткич 6 423,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 22 017,6 минг сўмгача ортган, яъни 3,4 баробарга ошган. Бундай ўсиш хизматлар тармоғига капитал кириб келиши, рақамли иқтисодиёт элементларининг жорий этилиши, давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий дастурлар билан бевосита боғлиқ. Хусусан, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, микрофинанс ва стартапларни қўллаб-қувватлаш дастурлари натижасида хизматлар соҳаси иш ўринларининг нафақат сони, балки сифати жиҳатдан ҳам ўсишга эришмоқда, деб ҳисоблаймиз. Ушбу тенденциялар шуни кўрсатмоқдаки, хизматлар соҳаси Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи ҳамда аҳоли бандлигини диверсификация қилувчи муҳим секторга айланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида бандликнинг тармоқлар бўйича таркибий ўзгаришлари миллий меҳнат бозори динамикасини баҳолашда муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар мамлакатда кадрлар салоҳияти, соҳага инвестиция жалб қилиниши, ҳудудий ривожланиш ва иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари билан чамбарчас боғлиқдир. 2-жадвал маълумотларига кўра, 2020-2023 йиллар давомида Ўзбекистонда хизматлар секторидаги бандлик изчил ўсиб борган ва бу кўрсаткич 2023 йилда 7 447,2 минг кишини ташкил этган бўлиб, бу 2020 йилга нисбатан 110%га ўсишни англатади. Хизматлар соҳасидаги бандликнинг ўсиши аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш, кичик ва ўрта бизнес фаолиятини кенгайтириш, ҳамда рақамли иқтисодиётнинг кенгайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Жадвал маълумотларига кўра, сўннгги йилларда саноат секторида ҳам сезилирили ўзгаришлар кузатилган. Жумладан, қурилиш соҳасида бандлик 2020 йилдаги 1 305,6 минг кишидан 2023 йилда 1 502,2 минг кишигача ортган бўлиб, 115% ўсиш кузатилган. Бу кўрсаткич мамлакатда инфратузилмавий лойиҳалар ва шаҳарсозлик жараёнларининг фаоллашганидан далолат беради. Шу билан бирга, тош-кон саноатида сезиларли пасайиш қайд этилган — 2020 йилда 92,5 минг киши бўлган бўлса, 2023 йилда 58,9 минг кишига тушган. Бу 36,4%лик камайишни кўрсатади ва бу соҳада автоматлаштириш, ихтисослашган технологиялар ва ресурс сарфининг қисқариши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аграр секторда эса камайиш мавжуд бўлиб, 2020 йилдаги 3 499,2 минг киши 2023 йилда 3 344,0 минг кишига тушган, яъни 95,6% даражада қолган.

2-жадвал

**2020-2023 йилларда бандларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича
тақсимланиши, минг киши**

№	Сектор	Тармоқлар	2020	2021	2022	2023	2023 йилнинг 2020 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Аграр сектор	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3 499,2	3 414,7	3 438,7	3 344,0	95,6
2	Саноат сектори	Курилиш	1 305,6	1 350,8	1 314,3	1 502,2	115,0
		Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	92,5	94,0	57,5	58,9	63,6
		Ишлаб чиқариш саноати	1 597,7	1 642,4	1 630,1	1 661,9	104,0
3	Хизматлар сектори	Хизматлар соҳаси	6 741,4	7 037,0	7 265,6	7 447,2	110,0

Бу тенденцияни хизматлар ва саноатга меҳнат ресурсларининг кўчиши, аграр секторнинг маҳсулот етиштиришдан кўра технологик қайта ишлашга йўналиш олиши билан изоҳлаш мумкин.

Бизнингча, 2020–2023 йиллар давомида Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлик таркибининг ўзгариши мамлакат меҳнат бозорида стратегик трансформация жараёни кечётганини кўрсатади. Хусусан, хизматлар секторидаги барқарор ўсиш аҳоли бандлигини диверсификация қилиш, юқори технологиялар ва рақамли хизматларга асосланган иш ўринлари яратиш имкониятини очиб бермоқда. Саноат секторида қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаларидағи ўсиш инфратузилмавий лойиҳаларнинг кўпайиши ва саноатлашув сиёсатининг самарадорлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, аграр ва тош-кон тармоқларидаги нисбий камайиш меҳнат ресурсларининг юқори қийматли тармоқларга йўналишганини англаради. Бу жараёнда таълим, қайта тайёрлаш ва меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Демак, бандликдаги тармоқлараро динамик ўзгаришлар мамлакат иқтисодий ривожланиш моделининг трансформациясига мос равишда кечмоқда. Аммо соҳа ривожида ҳали-ҳануз таркибий тузилиш муаммолари, худудий номутаносиблик ва кадрлар тайёрлаш тизимидағи етишмовчиликлар сақланиб қолмоқда. Шу сабабли, ушбу соҳада давлат сиёсати кенг қамровли иқтисодий ва институционал чоралар билан қўллаб-қувватланиши лозим. Тадқиқотлар давомида хизматлар соҳасидаги бандлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги муҳим тенденциялар кузатилди:

- **Норасмий иш ўринларининг юқорилиги.** Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, 2023 йилда меҳнат бозорида норасмий секторда банд аҳоли улуши 52,3% ни ташкил этди. Бунинг 60%дан ортиғи айнан хизматлар соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Яъни, савдо, транспорт, майший хизматлар, умумий овқатланиш, кичик хизмат марказларида ишловчи фуқаролар меҳнат шартномасисиз фаолият юритмоқда³. Норасмий бандликнинг юқорилиги пенсия, ижтимоий суғурта ва меҳнат кафолатларининг амал қилмаслигига олиб келади ва барқарор иш ўринлари яратиш сиёсатини самарасизлаштиради.

³ Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси маълумотлари.

• **Худудий инфратузилма тафовутлари.** Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2023 йилда хизматлар соҳасидаги умумий ялпи ҳажмнинг 43%и Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келган. Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятларининг улуши эса 4–5% атрофида қолмоқда. Бу кўрсаткич ҳудудларда хизматлар инфратузилмасининг етарли ривожланмаганлигини, аҳоли учун хизмат турларининг чекланганлигини англатади. Бу эса ички миграцияни рағбатлантириб, аҳоли ҳаётида ижтимоий ва иқтисодий нотенгликни кучайтиради.

• **Меҳнат унумдорлигининг пастлиги.** Хизматлар соҳасида ишловчи ходимлар учун меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари саноат ва молия соҳаларига нисбатан паст ҳисобланади. Масалан, 2022 йилда ишчи бошига ЯИМга қўшилган қиймат хизматлар соҳасида 27,5 млн сўмни ташкил этган бўлса, саноатда бу кўрсаткич 41,7 млн сўмни ташкил этган⁴. Бу рақамлар хизматлар соҳасидаги иш ўринлари сони қўпайса-да, сифат ва самарадорликда ҳануз муаммолар борлигини кўрсатади.

• **Кадрлар тайёрлашда таълим-меҳнат бозори узилиши.** Хизматлар соҳаси жадал рақамлашмоқда, лекин Ўзбекистон олий таълим муассасаларида хизматлар соҳаси учун зарур кадрлар (IT, бизнес-аналитика, электрон логистика, рақамли маркетинг)ни тайёрлаш етарли эмас. 2023 йилда IT соҳасида ишга қабул қилинганларнинг 65%и мустақил ўрганган ёки қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган бўлиб, академик тайёргарликка эга эмас⁵. Бу таълим тизими билан меҳнат бозори ўртасидаги узилишни кўрсатади.

• **Гендер ва ёшлар бандлигидаги тузилиш муаммоси.** Ҳар қанча хизматлар соҳасида аёллар ва ёшлар улуши юқори бўлса-да, улар асосан паст маошли хизматларда (сотувчи, оператор, техник ходим) банд. Олий маълумотли аёллар сони ортиб бораётган бўлса-да, хизматлар соҳасидаги раҳбар лавозимларда аёллар улуши 15%дан ошмайди⁶. Ёшлар бандлигига ҳам узоқ муддатли барқарор иш ўринлари эмас, балки вақтинчалик хизматларга мойиллик кузатилади.

Хизматлар соҳаси орқали аҳоли бандлигини ошириш масаласи дунёдаги қўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий сиёсатида устувор йўналишлардан бирига айланган. Жаҳон банки, ХМТ ва ЕТТБнинг ҳисботларига кўра, хизматлар соҳаси қўплаб давлатларда янги иш ўринлари яратишда саноат ва аграр секторга нисбатан юқори мултиплекатив самара бераётган соҳалардан бири ҳисобланади. Қўйида бир нечта давлатлар тажрибаси мисолида хизматлар соҳасини ривожлантиришда қўлланган самарали механизmlар келтирилади (З-жадвал).

Хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини оширишда таълим, рақамлаштириш ва бозорга мос кадрлар тайёрлаш асосий драйверлар ҳисобланади. Жадвалдан кўриниб турибдики, ривожланган ва юқори иқтисодий ўсишга эга давлатлар:

1. Инсон капиталини амалиётга яқинлаштирган (Германия),
2. Рақамли хизматларни ижтимоий инклузивлик билан боғлаган (Жанубий Корея),
3. Касбий малака билан тезкор бозор мослашувини таъминлаган (Хиндистон).

Ушбу механизmlар Ўзбекистонда хизматлар сектори орқали фақат иш ўринларининг сонини эмас, балки сифатини ҳам оширишда, меҳнат унумдорлигини кучайтиришда, ва ижтимоий тенгликни таъминлашда кенг қўллаш мумкин.

⁴ World Bank Uzbekistan Development Update, 2023

⁵ UNDP Uzbekistan, Digital Skills Report, 2023

⁶ Gender Equality in the Labour Market in Uzbekistan, ILO-UN Women, 2022

**Хизматлар соҳаси орқали бандликни ошириш бўйича илфор
хорижий тажрибалар**

№	Мамлакат	Илфор механизмлар ва сиёсатлар
1	Германия	Дуал таълим тизими (касбий таълим ва иш жойида амалиётни уйғунлаштириш), хизматлар соҳаси учун кадрлар тайёрлашни таъминлайди. Бу IT, тиббиёт ва таълим соҳаларида меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.
2	Жанубий Корея	“Digital Korea” стратегияси асосида рақамли хизматлар (финтех, телемедицина, онлайн таълим) фаол ривожлантирилган. Ёшлар ва аёллар учун масофавий иш имкониятлари кенгайтирилган.
3	Ҳиндистон	“Skill India” дастури орқали хизматлар соҳасига ихтисослашган 400 миллиондан ортиқ мутахассис тайёрланган. IT аутсорсинг ва рақамли хизматлар экспорти орқали ички ва ташқи бандлик кенгайтирилган.

Манба: Жаҳон банки, XMT ва мамлакатлар миллий ривожланиш стратегиялари асосида таҳлил қилинди

Илфор халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, хизматлар соҳасини барқарор ривожлантириш ва бандликни ошириш учун таълим, рақамли инфратузилма ва меҳнат бозорида мослашувчан сиёсат муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ҳам мазкур ёндашувлар асосида самарали механизмларни жорий этиш орқали хизматлар секторида сифатли ва барқарор иш ўринлари яратилиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, хизматлар соҳаси аҳоли бандлигини оширишда кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга эга. Хусусан, рақамли хизматлар, таълим, тиббиёт, савдо ва логистика каби тармоқларда яратилган иш ўринлари нафақат ишсизликни камайтириш, балки аҳоли даромадларини ошириш, ижтимоий тенгликни таъминлаш, гендер ва ёшлар кесимида бандликни диверсификация қилишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, хизматлар соҳаси ривожида ҳудудий тафовутларни камайтириш, инновацион инфратузилмаларни кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш тизимини ушбу соҳа талабларига мувофиқлаштириш, рақамли платформаларни жорий этиш каби масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, қуидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Хизматлар соҳаси миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида алоҳида ривожлантирилиши лозим, айниқса IT, рақамли савдо, онлайн таълим ва телемедицина йўналишларида.

2. Ҳудудларда хизматлар инфратузилмасини кенгайтириш орқали вилоят ва туманларда ҳам иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш, бу орқали ички меҳнат миграциясини камайтириш.

3. Хизматлар соҳасига оид кадрлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга мослаштириш, жумладан, касбий таълимни ушбу сектор талабларига интеграция қилиш.

4. Аёллар ва ёшлар учун хизматлар соҳасидаги масофавий иш шаклларини ҳуқуқий ва технологик жиҳатдан рағбатлантириш.

5. Давлат томонидан рақамлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш, рақамли хизмат платформалари орқали кичик бизнес ва микро фирмаларни бозорга чиқишини енгиллаштириш.

Юқоридаги таклифларни амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг кўп қиррали салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга ва аҳоли бандлигини барқарор оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Asian Development Bank (2022). *Uzbekistan: Country Partnership Strategy 2022–2026*. Manila: ADB. <https://www.adb.org/documents/uzbekistan-country-partnership-strategy-2022-2026>

Ebrd.com. (2023). Publications. [online] Available at: <https://www.ebrd.com/publications/transition-report>

Gereffi, G. & Fernandez-Stark, K. (2016). *Global Value Chain Analysis: A Primer*. Duke Center on Globalization, Governance & Competitiveness. <https://gvcc.duke.edu/cggc/publications/>

International Labour Organization (2023). *World Employment and Social Outlook: Trends 2023*. Geneva: ILO. <https://www.ilo.org/global/research/global-reports/weso/2023/lang--en/index.htm>

International Monetary Fund (2022). *Uzbekistan: Selected Issues – Service Sector Development and Productivity*. Washington D.C.: IMF Country Reports No. 22/45. <https://www.imf.org/en/Publications/CR/Issues/2022/03/01/Uzbekistan-Selected-Issues-516757>

Kuvandikov, Sh.O. (2021). Рақамли иқтисодиётда хизматлар соҳасининг ривожланиши тенденциялари. Ўзбекистон миллий университети илмий журнали, №1, 55–62.

Ministry of Employment and Labor Relations of the Republic of Uzbekistan (2023). *Annual Report on Labor Market Trends*. Tashkent. <https://mehnat.uz>

OECD (2020). *Enhancing the Service Sector in Transition Economies: Opportunities and Reforms*. Paris: OECD Publishing. <https://www.oecd.org/economy/transition/service-sector-development.htm>

Polatov, M.E. (2019). Хизмат кўрсатиш соҳаси ва меҳнат бозорининг ўзаро таъсири. Тошкент: Иқтисодиёт нашириёти.

Statistical Committee of the Republic of Uzbekistan (2024). <https://stat.uz>.

World Bank (2019). *Employment in services (% of total employment) (modeled ILO estimate) | Data*. [online] Worldbank.org. Available at: <https://data.worldbank.org/indicator/SL.SRV.EMPL.ZS>.

World Bank (2022). *Uzbekistan Country Economic Memorandum: Unlocking Economic Transformation for Higher Productivity*. Washington D.C.: World Bank Group. <https://documents.worldbank.org/en/publication/documents-reports/documentdetail/099605308012238463/idiu02c5bda100b55704cb2071fc024e43e1c9d95>.